

# O'ZBEKISTON

# OYOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA


■ 2004-YIL ■ 14-FEVRAL ■ SHANBA ■ 18 (27.193) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## Maхsulot — ўзимизники, Ўзбекистонники!

«Хоразм шакар» корхонаси — мустақиллик меvasи. Вилоятнинг жанубий дарвозаси ҳисобланмиш Хазорасп тумани ҳудудида қад ростлаган мазкур корхонада бугун 530 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Мамакатимиз аҳолисининг шакарга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар таҳсинга арзийди. Корхонанинг озода, боҳово цехларида ишлаётган ишчи-хизматчилар ва мутахассисларга яратиб берилган қулай шарт-шароитларни айтмайсизми? Шу кунларда бу ерда қант ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тайёргарлик ишлари охирига етказилапти.

— Дастурхонимизни қандсиз, шакарсиз тасаввур қилиш қийин, — дейди корхона марказий лабораторияси ходимаси Нодира Эркаева. — Жамоамиз шунга эътиборга олган ҳолда элимиз дастурхонига янаям кўпроқ, сифатлироқ, мазаглироқ махsulотлар тортиқ этишга ҳаракат қилаётимиз. Бу борада эришаётган натижаларимиз ҳам чакки бўлмапти. Махsulотимизга талаб эса тобора ортиб бораётимиз.



Суратларда: марказий лаборатория ходимлари Равшан Атамуродов ва Нодира Эркаева; илгор ишчи Самандар Сапоев иш устида; корхонанинг умумий кўриниши.

Шакар АКРАМОВ олган суратлар



## ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎЗА мухбири Л.Сувонов). Йиғилиш вилоятни 2003 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотлар боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодий янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланди.

Йиғилишни вилоят ҳокими К.Тўлағанов бошқарди.

Ўтган йили вилоятда иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилди. Макроиктисодий барқарорлик таъминланди. Ялпи ички махsulот, саноат, қишлоқ ҳўжалиги махsulотлари ишлаб чиқариш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми анча ортди. Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш борасидаги чора-тадбирлар самараси ўлароқ, аҳоли даромади 4,2 фоизга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредит миқдори 14 фоизга ўсди.

Лекция, иқтисодий ислохот қилишга доир масалалар тўлиқ ечимини топгани йўқ. Жойларда шартнома интизом, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари етиштириётган махsulотларни қайта тайёрлашнинг амалий тизими яратилмаган. Ҳўжалик бошқарувида маъмурий буйруқбозлик тула барҳам топгани йўқ. Капитал қурилиш соҳаси-

да ҳам ислохотлар суст бораётгани, пудрат ва лойиҳалаш ишлари кўнгилдагидек эмаслиги қайд этилди. Иқтисодий-иқтисодий соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилди.

Халқ депутатлари Тошкент вилоти Кенгазининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажаришда вилоят меҳнатқашлари олдига турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси, мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## САМАРҚАНД (ЎЗА мухбири Акбар Қариев).

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодий янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Уни вилоят ҳокими Р.Холмуродов бошқарди.

Вилоятда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши таъминланди.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

моқда. Саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2002 йилга нисбатан 11,1 ва 6,8 фоизга ўсган. Ташқи савдо айланимаси 145,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўтуқлар билан бир қаторда вилоят иқтисодининг ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликлар ҳам мавжуд. Бу, аввало, саноат соҳасида яқол кўзга ташланмоқда. Ички бозорни ўрганиш, харидориги ва рақобатбардош махsulотлар ишлаб чиқариш суст кечмоқда. Натижада кўпгина корхоналарда 2002 йилга

нисбатан кам махsulот ишлаб чиқарилган.

Йиғилишда фермер ҳўжаликларининг фаолиятини жонлантириш борасида ҳам қатор муаммолар мавжудлиги таъкидланди. Айниқса, шартнома интизоми қонқарсиз аҳволда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов иштирок этди.

## «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

### «КўЗ-КўЗГА ТУШГАНДА...»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 6 январь сонидан чоп этилган «КўЗ-КўЗГА ТУШГАНДА...» сарлавҳали мақола юзасидан қўйилган савалларга жавоб қиламиз.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси муассислари ва аъзоларининг 2004 йил 23 январдаги умумий мажлисида муҳокама қилинди. Мақолада қайд қилинган танқидий муло-

ҳазалар юзасидан бозор акциядорлик жамиятлари раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди ҳамда ушбу масалада назорат ташкилотлари билан биргаликда амалий чоралар кўриш тўғрисида топшириқлар берилди.

Барча бозор акциядорлик жамиятлари ҳудудида милиция, солиқ ва истеъмолчи-

лар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмиталарининг таъин пунктлари ташкил этилган. Ушбу таъин пункт ходимларидан ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўриш сўралди.

**Р. АБДУМАЖИТОВ,**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи

## Газетада босилмади, алмо...

### НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Таҳририятимизга Ғиждувон шаҳридаги «Йўловчисервис» ОАЖ аъзоларидан бир гуруҳнинг имзо-си билан шикоят хати келган эди. Ушбу хат юзасидан Бухоро вилоти ҳокими ўринбосари Ф.АТАЕВ-дан жавоб олинди.

Ғиждувон «Йўловчисервис» очик акциядорлик жамияти аъзоларининг «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятга ёзган аризаси вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳи ва Ғиждувон туман ҳокимлиги мутахассислари ҳамда жамият аъзолари иштирокида жойида ўрганиб чиқилди ва 2003 йил 15 декабрда ўтказилган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

2003 йилда Ғиждувон шаҳрида Абдуллоҳ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонловда муносабати билан кенг кўламли қурилиш, таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари олиб борилди. Ғиждувон деҳқон бозори эски пахта заводи ҳудудида қўририлганлиги ва унга ёндашган кўчаларнинг кенгайтирилганлиги учун йўл бўйидаги мавжуд савдо расталарини тартибга солиш максатидан Ғиждувон «Йўловчисервис» очик акциядорлик жамиятига қарашли ер майдонининг бир қисмида туман ҳокими-

нинг қарори билан ажратилиб савдо дўконлари қурилган. Туман ҳокимлиги томонидан жамиятнинг иш фаолияти чекланмаганлиги аниқланди.

Ғиждувон шаҳрида обodonлаштириш ишлари олиб борилганлиги сабабли шаҳарнинг бош режасига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамиятга қарашли ер майдонининг бир қисмида савдо дўконлари қурилиши вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан келишилган.

Туман ҳокимининг қарори билан жамиятга, савдо дўконлари қурилиши учун ажратилган ер майдони эвазига, шаҳарнинг бошқа бўш жойидан ер майдони ажратиш тўғрисида таклиф билдирилди ва бунга Ғиждувон «Йўловчисервис»

## ДЕҲЛИДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Деҳлидаги Ҳиндистон байналмилал марказида «Ҳиндистон ва дунё: ўзаро алоқалар ва нуқтани назарлар» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Алигарх Муслим университетининг Тарихи чўқур ўрганиш маркази ва Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (ICCK) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳиндистон Республикаси Парламентининг юқори палатаси раиси ўринбосари, ICCK президенти Н.Хеттулла мазкур тадбирни очар экан, замонавий тараққиётга эришишда тарихни чўқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Семинарда асосий эътибор Ҳиндистон билан жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихига қаратилди. Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан ташриф буюрган олим ва тадқиқотчилар Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан муносабатлари тарихига оид маърузаларида мазкур минтақада, хусусан, бугунги Ўзбекистон заминидан

жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққанини таъкидлади. Бобур ва бобуриларнинг ҳинд халқи тарихи, маданияти ва санъатида ёрқин, ўчмас из қолдирганини алоҳида эътироф этилди.

— Ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқалар қадим тарихга бориб тақалади, — дейди Алигарх Муслим университетининг Тарихи чўқур ўрганиш маркази раиси, профессор Мансура Ҳайдар. — Икки халқ маданияти, санъати ва бошқа соҳалардаги ўзаро ақинлик, муштаракликлар мавжуд ва бу тасодифий ҳол эмас. Негаки, мамлакатларимиз ўртасида асрлар давомида иқтисодий ва илмий-адабий ҳодисалар бир-бирига ўз таъсирини ўтказиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг эса муносабатларимиз янги мазмун ва моҳият касб этди.

Шўхрат УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА мухбири

## Анжуман

Ўтган йилнинг ноябрь, декабрь ойларида мамлакатимизда улкан иқтисодий-сиёсий роқеа — маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Ўзбекистонда юз фоиз аҳолининг маҳаллаларда иштирок қилишини эътироф этсак, бу сайловларнинг ниҳоятда кенг кўламли эканлиги ва муҳимлиги аён бўлди.

## ЭНГ КЕНГ КЎЛАМЛИ САЙЛОВЛАР

Республика «Маҳалла» жамғармасида унинг натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари, республикамизда фаолият кўрсатиб турган дипломатик корпус, маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

— Ўтган сайловларда ўн мингга яқин маҳалла оқсоқоли, саксон минг маслаҳатчи сайланди — деди Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадоибоев. — Айтиш мумкинки, бу сайловлар аввалгиларига нисбатан демократик руҳда ва муқобиллик асосида ўтди. Мамлакат миқёсида бир оқсоқол ўрнига ўртача учтадан номзод тўғри келди. Сайловларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 97 фоизи иштирок этди.

Брифингда Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддин Исмомовлар иштирок этиб, журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

## БОШ ПРОКУРАТУРАДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг 2003 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакатимиз Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди.

Мажлисида прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган таъкидланди.

Иқтисодиёт ва иқтисодий соҳаларда қонун устуворлигини таъминлашга доимий эътибор бериб келинмоқда. Бунда шартнома интизоми мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш, бир-халар фаолияти ва капитал қурилиш соҳаларида, паст рентабелли ширкатларни фермер ҳўжаликларига айлантиришда қонунийликни таъминлашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар қучайтирилди.

Қўланилган 18 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари асосида аниқланган қонунбузилишлар бартараф этилди.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилишга, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга қатъий эътибор берилмоқда.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чўқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримовнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни прокуратура органлари томонидан изчиллик билан амалга ошириш бўйича талаблар қўйилди.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Б.НОРБОВ,  
ЎЗА мухбири

## Спорт

### РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ



Санокли кунлардан сўнг, аниқроғи, 17 февралда профессионал боксчиларимиз Мухаммадқодир Абдуллаев ҳамда Руслан Чагаевлар навбатдаги рейтинг жанглирини ўтказишди. Айни чоғда Германиянинг «Универсиада бокс промушен» спорт клубида фаолият кўрсатаётган ҳамюртларимиз бўлажак учрашувга АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида тайёргарлик кўрдилар.

Олимпия чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев учун навбатдаги жанг профессионал рингдаги ўн туртинчи рейтинг учрашувирид. IBF йўналиш бўйича 63,5 кг. вазн тоифасида кураш олиб бораётган боксчинининг бу сафарги рақибни венецузлик Ричард Рейна бўлади. Ричард 1978 йилда Венесуэланинг Маравилла шаҳрида туғилган. Айни пайтда Сан-Феликс (Боливар штати)да яшайди. Дунё рейтингидан 76-погонани банд этиб турибди. Мурабийи — Рафаэль Мендо.

WBO йўналишининг ўта оғир вазн тоифасида рингга чиқадиган Руслан Чагаев ҳозиргача ўн иккита рейтинг жанг ўтказиб, уларнинг барчасини галаба билан якунлаган. Ҳамюртларимизнинг галдаги рақибни эса Седрик Филдс (АҚШ) бўлиши кутилмоқда.

Ҳар иккала боксчимиз ҳам мазкур жанглари Лубек (Германия) шаҳрида ўтказишди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратларда: Мухаммадқодир Абдуллаев ҳамда Руслан Чагаев.

## МУРУВВАТ УЙЛАРИГА ЁРДАМ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Меҳр ва мурувват йили муносабати билан қатор хайрия тадбирларини амалга оширишни режалаштирган.

Улардан бири қуни кеча Тошкент шаҳридаги 2-сонли «Мурувват» уйида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилотлари ҳамда Тошкент шаҳрининг 1-ва 2-сонли «Му-

рувват» уйларига қимматбаҳо жиҳозлар топширилди.

Маросимда Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО, «Камолот» ЕИХ, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ва яна бир нечта халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди.

Маъмуржон МАХМУД

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ  
XALQ BANKI

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**«QUVA MEBEL»**  
XONADONINGIZ FAYZI

**TOSHKENT SHAHAR**  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HANMKOR!  
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Кўчат экиб, боғ яратинг!

Ҳадемай қиш чиллеси ва тўқсондан омон чиққан кўчатлар бош кўтариб, дарахтлар амалга киради. Ҳаво анча илиб қолди. Ободончилик юмушлари бошланди.

Хўш, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келатган янги боғ-роғлар яратиш, мавжудларини эса яшартириш ишлари қандай боғояти?

Республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Мева, шарбат, боғ-узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш корпорациясининг Номанган тажриба хўжалиги раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳамидхон УСМОНОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Ҳамидхон Маҳмудович, ота-боболаримиз азал-азалдан мевали ниҳоллар экиб, парвариш қилиб, ундан узлари ҳам, бошқалар ҳам наф олишини катта бахт, деб билишган...

— Ҳазрат Амир Темурайтганлар: «Хон бўлсанг-да боғ ярат, гадо бўлсанг-да боғ ярат. Бир кунмас-бир кун мевасини татирсан». Бунданда ошириб халқимиз феъл-атвориға таъриф бермоқ кийин.

Юртимиз бир-биридан гўзал, серхосил боғ-роғларга, қийинги, кўрса суқи киргуси жаннатни мева-чеваларга бой.

Отадан болаға муқаддас меросий анъана — ниҳол экиш бугун ҳам шукрки, ишончили кўларда. Халол, фидокорона меҳнатлари билан эл-юрт хўрматиға сазовор бўлган Ризамат ота Мусамухаммедов, Маҳмудхон Мирзаев, Зайниддин Фахриддиновларнинг кўплаб наманганлик издошлари бор: Бургутали Рапиғалиев, Абдуллохон Ҳасанов, Турсунали Пулатов, Ҳакимжон Умрзоқов, Мелибой Нишонов...

Уларнинг сай-харақатлари билан вилоятда боғ-узумчилик ихтисослашган 33 та хўжаликдагина эмас, балки бошқа ширкатлар, деҳқон-фермер хўжаликлари, ташкилот, корхона, муассасаларда ҳам афсонавий эрам боғларини эслатувчи боғ-роғлар, ишқоллар сероб.

Шу боғимки, бугунги кунда вилоятимизда бир туп гул ёки мевали-манзарали дарахти бўлмаган хонадонни нафақат қишлоқдан, шаҳардан ҳам тополмай-

сиқ. Катта-кичик йўл четлари, сой-анҳорлар, ариқлар ва каналлар ёқаларида баҳор пайтлари чапар уриб гуллаган дов-дарахтларни кўриб баҳри дилингиз очилса не ажаб!

Истиқлол бошқа соҳалар каби боғдорчилик ҳам кенглик, эркинлик берди. Йўқса, ўтган асрнинг 80-йилларида марказ сиёсати билан не-не тоқзорларга қирон келганлигини бир эслаб кўринг-а... Бугун шуни фахру ифтихор билан айтиш мумкинки, юртимизда янги-янги боғ-роғлар барпо этишдек савобли ишлар айни авжига кирди. Жўғрофий жиҳатдан энг қулай иклими ўлкамиз далаларида этиштирилаётган мўл-қўл мева, узум ва умуман қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эндиликда ҳатто чет эллардан ҳам харидорлар келишарганидан қувонмай бўладими?

ДАСТУРХОНИМИЗ ФАЙЗЛИ, ЮРТИМИЗ КЎРКАМ

БЎЛИШИ МАМЛАКАТИМИЗДА БОҒ-УЗУМЧИЛИК РИВОЖИГА БОҒЛИҚ

Жаннат макон ўлкамизда маржон-маржон тер тўкиб меҳнат қилаётган боғбону со-

ли кўчатлар ва манзарали дарахт ниҳоллари аввал тажриба майдонларига экилиб, сўнгра илмий синовлардан ўтган оммалаштиришга киришляди. Демакки, миқозларимизга тавсия қилган барча маҳсулотларимизга кафолат берамиз. Сир эмас, бундан 20-30 йиллар аввал табиий иқлим шароитимиз қадрига тўлиқ бажардик. Бу йил ҳам ҳар хил мевали-манзарали ниҳоллар: салкам 100 минг туп тоқ, 100 минг туп ўрик, 211 минг туп анор, анжир,

хўшқорлар сафида бизнинг тажриба хўжалигимиз ишчи-хизматчилари ҳам борлигидан, ростини айтсам, севи-наман. Ўтган йилни ҳамма кўрсаткичлар бўйича дуруст яқунладик. Асосий вазифамиз — буюртмачиларга кўчат, гул ниҳоллари етказиб бериш шартномаларини муваффақиятли бажардик. Бу йил ҳам ҳар хил мевали-манзарали ниҳоллар: салкам 100 минг туп тоқ, 100 минг туп ўрик, 211 минг туп анор, анжир,

қўйилди. Бу шубҳасиз, уларга бўлган эҳтиёжни ҳам кучайтирди. — Ҳар йили кўкаламзорлаштириш ойлари ўтказилди. Бу даврда сизлар ҳам... — Алоҳида масъулият билан ишлайми. Баҳорнинг бир кунини йилни боқад, деган гап бор. Биз бу таъбир бошлангиши кутмасдан, ҳозирок энг шимириб ишга киришдик. Уйчи туманидаги учта, Янги-кўрғон туманидаги Ш.Раши-

олиб, тиклаш ишларини бўшаштирмадик. Ҳўл мевалар нафақат дастурхон кўрки, балки инсон саломатлигининг гарови эканлигини яхши биламиз. Айниқса, қуритилган ўрик, шафтоли, олма, анжир, гайнали, олча мевалари қиш кунларида-ку қийёсиз дармондори. Сўнгги йилларда вилоятимизда бу маҳсулотларни қайта ишлаш қувватлари ошиб, уларни қуритилган ва шарбат ҳолда қадоқлаш ишлари кенг йўлга



дов номли, Наманган туманидаги Шўркўрғон ва Чўст туманидаги Мавжуд бўлимлари мизда аллақачон бу йилги кўчатларни тайёрлашга киришганмиз. Кўкаламзорлаштириш ойлари бошлангани билан хари-

дорлардан буюртмалар кела бошлади. Яқинда Чортоқ туманида вилоят хўжаликлари раҳбарлари иштирокида ўқув машғулотлари ўтди. Жорий йилда боғ-узумчиликда туб бурлиш ясаймиз деган ниятимиз бор: мавжуд мевалар ашаради, янглири барпо этилади.

— «Меҳр ва муруват йили» хайрли, савобли ишларга бой бўларкан-да... — Ҳудди шундай. «Меҳр ва муруват йили» дастурида таъкидланганидек, жамиятимизда ахиллик, бағри кенглик, меҳроқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш — боғ-роғлар тимсолида ҳам акс этмоғи керак. Мен турли хил мева-чевага, дов-дарахтларга бой боғ-роғларни жамомизда ахил ва иноқ яшаётган ўзбек, тожик, қирғиз, татар ва рус миллати вакиллариға қийёс қиламан. Наманган шаҳридаги «Дашт боғ» маҳалла фўқаролар

Одатда боғ-роғлар ва узумзорларда ишловчилари жаннатни касб соҳиблари дейишляди. Ўхшатиш мажозий маънода бўлса-да, тўғри деб ўйлайман. Негаки, бизнинг вилоятимиз доғруғини дунёға машҳур қилган ҳам мана шу боғбону соҳибқорлар меҳнати маҳсули. Тилдан-тилға, элдан-элға, юртдан-юртға етиб борган «Наманган олимпиади» ашулосини ким билмайди дейсиз... Халқимиз маъмуриятини тазминлашға, дастурхонларимизга файзига файз қўлишға, юртимиз боғ-роғларга бурканиб янада кўркам бўлишға озми-қўлми улушимиз қўшилиётганидан бошимиз осмонда. Хуллас, айтмоқчи бўлган гапим — азизлар, фўрсат топсангиз бир туп бўлса ҳам кўчат экинг, боғ яратинг, савоб оласиз.

Суҳбатдош: Абдунаби ҚОРАБОЕВ

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА

Ўзбекистон ХДП Тўрақўрғон туман кенгашининг навбатдаги пленумида худудий бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, «Меҳр ва муруват йили» тадбирларида иштирок этиш, уларни ташкил қилишда ташаббускор бўлиш масалалари кўриб чиқилди. Партия кенгаши биринчи котиби О.Оқунов шу ҳақда маъруза қилди. Пленумда ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби М.Абдуллаева, туман ҳокимининг ўринбосарлари Х.Раҳимов, М.Бегматовлар иштирок этиб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирдилар.

ХДП Ангрэн шаҳар кенгаши ҳузурида тузилган «Ёш парламентчилар»нинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Тингловчилар эътиборига тарих фанлари номзоди, партия МК масъул ходими С.Қурбоновнинг «Ўзбекистон Республикасини парламентини ислоҳ қилишда ХДП ташкилотларининг иштироки» тўғрисидаги маърузаси ҳавола этилди. Мажлишда ХДП Ангрэн шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Б.Йўлдошев олиб борди.

ХДП Чирочки туман кенгаши ва туман хотин-қизлар кўмитасининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Унда партия МК V пленуми қарорларини бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, туман партия ташкилоти ва хотин-қизлар кўмитасининг «Меҳр ва муруват йили» доирасидаги тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Партия кенгаши биринчи котиби Ш.Жовлиев маъруза қилиб, шу соҳалардаги устувор вазифаларға тўхтади. Муҳокамаларда қатор жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашиб, бу ишларда ҳамкорлик қилиш бўйича тақлифлар билдирдилар. Йилгилишда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Бузуруков, ҳоким ўринбосарлари Х.Ўтаева, К.Астанаева, Ш.Шокиров, М.Жўраева иштирок этидилар.

Галлаорол туман ҳокимлиги ва туман партия кенгаши биргалиқда фаоллар йилгилишини ўтказдилар. Унда Олий Мажлиснинг XIII сессияси ҳужжатлари ва давлатимиз раҳбарининг нутқида белгиланган вазифалар ҳақида ҳоким ўринбосари А.Аматов, Ўзбекистон ХДП МК V-й пленумлари қарорларини ҳаётага татибқ этиш, «Меҳр ва муруват йили» давлат дастурини бажаришда БПТ иштирокини таъминлаш масалалари тўғрисида туман партия кенгаши биринчи котиби Б.Темиров маъруза қилди. Улар юзасидан қатор БПТ етакчилари, партия фаоллари ҳамда «Меҳр-муруват ва саломатлик» жамғармаси туман бўлими бошлиғи, ХДП аъзоси С.Ҳакимовлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йилгилиш сўнгида ХДПга кирган бир гуруҳ фўқароларға аъзолик билетлари топширилди.

Партия Марҳамат туман кенгаши мамлакатда бўлажак сайловлар ва партияда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов мавсуми муносабати билан галдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида семинар ўтказди. Унда иштирок этган БПТ котиблари, партия фаоллари долзарб вазифаларни белгилаб олдлар.

Ўзбекистон ХДП Пискент туман кенгашида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги сайлов округлари партия гуруҳлари: тажриба ва услублари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ХДП МК масъул ходимлари В.Абдуллаев, В.Абдусаматов ва бошқалар, ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби Н.Тоиров, туман ҳокими ўринбосарлари Х.Воҳидов, Р.Тўғрунбоева ҳамда БПТ фаоллари иштирок этидилар. Суҳбатни Пискент тумани партия кенгаши биринчи котиби Д.Комилова олиб борди.

Пахтабод, Уйчи туман партия кенгашлари «Меҳр ва муруват йили» дастури доирасида кўпгина маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилдилар.

ТАДБИРКОР ВА ҲУНАРМАНДЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтнинг Сирғали туманида тадбиркор ва ҳунармандлар ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида хайрли тадбир уюштирилди. Туман товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлар палатаси «Ташаббус — 2004» куриқтанловини уюштирди. Танловға туман ҳокими ўринбосари Ф.Зияев раислик қилди. Танловда 23 тадбиркор, 7 нафар ҳунарманд қатнашди.

1-ўрин «Инвест тош» масъулияти чекланган жамиятиға насиб этди. 2-ўрин эса ана шундай жамиятлардан бири «Хан Био Теч»га берилди. 3-ўринни «Сервис Буратино» жамияти аъзолари қўлга киритишди. Ҳунармандлардан Мирхамид Мирсоатов, Баҳорат Анорқулова ҳамда Эркабой Машариповлар совриндор бўлишди. Голибларға эсдалик совғалари топширилди.

Анвар МИРЗО

Долзарб мавзу

Улуғларимиздан бири айтган экан: «Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари илан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг та-

улар дунёда юртимизнинг турли жойларида бугун болалар қандай замонавий ўқув масканларида таълим олаётганини кўриб турибди. Шунинг учун уларнинг менинг бошқалардан кам жойим борми, деб ўқиниши табиий ҳол, албатта...»

ри келиб, мактаб ўқишға мутлақо яроқсиз дея ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш комбинати (УПК)ға кўчиришди. Деворларини дарз кетган мактаб номига таъмирланди-да, 1988 йили ўқувчилар яна ўз жойига қайтарилади. 1989 йилда 420 ўринли замонавий мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Қурилишға хўжалик ҳисобидан 611 минг сўм, жиҳозлар учун эса 300 минг,

қуриб, уларнинг фарзандлари ҳам бундай бахтдан мусово. Мутасаддилар эса бундан гўё бебахар.

Мактаб қурилишида қачон ўзгарши бўлади, маблагни ким топади, бу ишға ким жон куйдиради?.. Бу саволлар ҳамон жавабсиз қолмоқда.

Биз ушбу ҳолат юзасидан Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рўзбой ТУРСУНОВ билан телефон орқали суҳбатлашдик.

— Бугун вилоятимизда қурилиши тугалланмасдан чала қолиб кетган мактаблар сони йигирмагаға етади. Биз ҳар йили муаммони ҳал этишға мутасадди бўлган вилоят капитали қурилиш бошқармасига ўз тақлифларимизни берамиз. Шунга қарамасдан маблағ етишмаслиғи сабабли бу борада силжиш сезилмаяпти. Шерободадаги 32-ўрта мактабнинг бугунги аҳволдан хабарим бор. Янги мактаб биноси ўн беш йилдан буён қурилиши тугалланмаган. Эски бинодо эса таълим бериш учун зарур бўлган энг оддий шароит ҳам йўқ. Энг хавотирли томони, мактаб авария ҳолатида.

Бундай аҳвол билан мурося қилиш мумкин эмас. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Агар мендан, маънавий соғлом болалар қаерда ўсапти, деб сўраса, бошқалар хафа бўлмасин-у, қишлоқда, деб жавоб берган бўлардим. Шундай экан, келажакда мамлакатимиз тақдирини белгилайдиган болаларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун нега етарли шароит яратиб бермаяпмиз? Фарзандларимиз кўзимизда бу саволға биз ҳаммамиз — ҳокимлар ва раҳбарлар жавоб беришимиз керак».

Фаррух ҲАМРОЕВ, Абдурусул ПАРДАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЖАВОБСИЗ ҚОЛИБ КЕЛАЁТГАН САВОЛЛАР



ЁХУД ШЕРОБОД ТУМАНИДАГИ 32-ЎРТА МАКТАБНИНГ ЯНГИ БИНОСИ 15 ЙИЛДАН БУЁН БИТМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

рақий ривожига ижтиҳод қилурлар...» Ушангагина баркамол авлод воғға етади. Юрт шаънини юрағига жойлаган, Ватан байроғини жаҳон бўйлаб баланд кўтарадиган муносиб ворислар этишиб чиқади.

Агар биз бугун мактаб, лицей, коллежларда таълим олаётган фарзандларимиз орузумидларига қанот бўлмасак, уларнинг билим олишлариға имконият яратиб бермасак, келажакка хийнат қилган бўламиз.

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз қилган таъкидларини муносимага алоҳида тўхташдик. Уларни бартараф этиш бўйича кендиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришға барча мутасаддилар эътиборини қаратдилар. «Қишлоқ мактабларида ўқийдиган фарзандларимизнинг кўзига қаранг. Уларнинг кўзида битта савол — менинг айбун нима, нима учун мен шундай ноҳор шароитда ўқишим керак, деган маънони кўриш мумкин. Чунки

Шеробод тумани «Кўхитанг» ширкат хўжалиғидаги Зарабоқ қишлоғида 3000 нафардан ортик аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги 32-ўрта мактабға Шалқон, Қизилполма каби уч-тўрт километр узюқликда жойлашган қишлоқлардан ҳам ўқувчилар қатнаб таълим олади. Бугунги кунда мактабда ўқувчилар сони 700 нафардан ошиб кетди. Бирок ачирнарилси, болалар ва ўқитувчилар ҳар бир дақиқани юрак ховучлаб ўтказадилар. Айниқса, қиш ва баҳор фаслларида бу хавотир янада кўчяди.

Мактаб биноси 24 та синфхонадан иборат бўлиб, 1937 йилда хашар йўли билан қурилган. 1987 йили туман мутасаддилари

жами 911 минг сўм маблағ ажратилди. Қурилиши 258 ПМК шоввозлари олиб боришди.

1991 йилғача иш 63 фоизға бажарилди ва сўнг... Орадан ўн икки йил вақт ўтибдики, туя гўшти еган мактаб биноси қурилиши ҳанузгина чала ётибди. Йилдан-йилға нураб харобабга айланиб бормоқда. Эшик-ромлардан асар ҳам қолмаган. Бунга эса атрофдагилар гўё томошанин бўлиб туришибди. Шу давр ичиде «Кўхитанг» ширкат хўжалиғи ва Шеробод тумани раҳбарлиғига қанча одам келиб-кетди, бирок мактаб биноси тикланмади. Ҳаттоки янги или қишлоқда шундай орузида бўлган болалар аллақачон оила



Суратларда: эски ва 15 йил аввал қурилиши бошланган «янги» мактаб биноси кўриниши.

«ТЕРМИЗ НОН»

ҳиссадорлик жамияти — ижроия органининг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва 2004 йил бизнес-режасини тасдиқлаш; — 2003 йил якуни бўйича тадфит комиссиясининг ва аудитор фирмаси ҳулосасини тасдиқлаш; — бухгалтерия баланси, молиявий натижа, дивиденд ҳажми ва тўлов муддатини тасдиқлаш; — 2004 йил молиявий аҳволиға ҳулоса берадиган мустақил аудиторни тасдиқлаш; — жамият бошқарув раиси ва у билан

тузилган меҳнат шартномасини узайтириш ёки тўхтатиш; — жамият ижроия органи таркибинини қайта сайлаш; — Кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлаш; — ҳар хил масалалар. Акциядорлар реестри 2004 йил 20 январь ҳолатига ёпилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 21 февраль соат 9 дан бошланади. Акциядорлар ўзлари билан паспорт ёки нотариал тасдиқланган ишонч қоғозларига эга бўлишлари шарт.

ИПХ масканида ТАШМАЧИГА ЙЎЛЛАР БЕРК

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи йўл ҳаракати хавфсизлиғи Бош бошқармасининг навбатчилик қисмиға келаятган қундалик маълумотларға назар ташласак, деярли ҳар кун республикамиз худудидан ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган вақтда ушланган товар-моддий бойликлар ҳақидаги хабарларға кўзимиз тушади. Ташмачилар республикамиз ташқарисига олиб чиқиб кетишға уринаётган нарсалар ичиде нондан тортиб тўхумғача, сигаретадан то бензинғача, рангли металлдан тортиб ўсимлик ёғиғача бор. Қўйинги, қўшни республикаларда қандай маҳсулот қиммат бўлса, нимани сотиб пул қилиш мумкин бўлса, текин даромад илжидега юрган кимсалар чегарадан ана шу нарсаларни олиб ўтишға, текин даромад топишға уринишмоқда. Шу мақсад йўлида қонунни четлаб ўтишға интилишади. Шу йилнинг январь ойида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиғи қисми ходимлари томонидан республикамиздан ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган 14 тоннадан ортик нефть маҳсулотлари ва 35 тоннаға яқин минерал ўғитлар ушлаб қолинди. Келинг, шу ўринда мисолларға мурожаат қилайлик.

Шу йил 29 январь кунини Тошкент вилоятининг чегара худудида бир неча хизматлар ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бораятган йўл-патруль хизмати инспекторлари айланма йўллар орқали кетаётган УАЗ русумли, давлат рақами 30 О 4884, Ю.Урнбоев бошқарувидаги автомашинани тўхтатишади. Текширув жараёнида ҳайдовчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 400 литр дизель ёнилғисини Қозғоғистон Республикасига олиб кетаётганлиғи маълум бўлди. ИПХ инспекторлари уни ашёвий далиллар билан бирға туман ИИБға топширишди.

Яна бир мисол. Шу йил 24 январь кунини Сурхондарё вилояти ИИБ ЙИХБ ходимлари «Дарбанд» ИПХ масканида КамАЗ русумли, давлат рақами 19 1 4632 бўлган автомашинани тўхтатишади. Ҳужжатларини йўл-патруль хизмати инспекторларига тақдим этаётган ҳайдовчи М.Касиринов нима учундир ҳажонланарди. Бу ҳолат ИПХ инспекторларининг назаридан четда қолмади. Улар автомашина юксонанини текширишганда ҳажонланани сабаби маълум бўлди. Аниқланишча, ҳайдовчи ҳеч қандай ҳужжатларисиз 2500 литр, умумий нархи 375.000 сўм бўлган дизель ёнилғисини қўшни Тожикистон Республикасига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетиётган экан. Ҳудди шу вилоятда истикома қилувчи яна бир фўқаро А.Ефанов ҳам дизель ёнилғисини Тожикистон Республикасига олиб ўтиб, мўмай даромад қилиш орузида кетаётган вақтда айнан юқорида эслатилган ИПХ масканида ДИХХБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг бошқарувидаги КамАЗ русумли, давлат рақами 19 Е 4290 бўлган автомашина юксонанида умумий нархи 270.000 сўм бўлган 1800 литр дизель ёнилғиси унинг экам. Ҳар иккала автомашина ҳам далилий ашёлари билан бирға ички ишлар идорасига топширилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиғида минерал ўғитларнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Минерал ўғитлар бўлғуси мўл ҳосилнинг гаровидир. Лекин айрим кишилар ана шу минерал ўғитларни ҳам қўшни давлатларға ноқонуний равишда олиб чиқиб сотишға уринишмоқда. Жумладан, шу йил январь ойида Андижон вилояти фўқароси Ф.Собирхонов ўзининг «Нексия» русумли, давлат рақами 17 9838 бўлган автомашинасида 540 килограмм минерал ўғитни қўшни Қирғизистон Республикасига олиб ўтмоқчи бўлганда йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан тўхтатилади.

Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин. Гап бунда эмас. Энг асосийи чегара масканларида хизмат ўтаётган ДИХХБ ходимлари бундай ташмачилар йўлиға ишончили гов қўйишмоқда. Ризқимизни қирқмоқчи, номинизни яримта қилмоқчи бўлган шахслар — ташмачиларнинг кирдикорини фош қилишмоқда.

Мансуржон РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙИХБ Бош бошқармаси катта инспектори, милиция майори.

«ҚУРИЛИШ МОЛЛАРИ БОЗОРИ» очилқ акциядорлик жамияти акциядорларининг 2003 йил 11 ноябрдаги умумий мажлиси қарориға ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йил 29 январдаги 61-сонли қарориға мувофиқ жамият «Қурилиш моллари бозори» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Даво ва эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб икки ой мўддат ичиде қабул қилинади. Тел: 47-08-22.

«Бобомиз Захириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фخرланасан арзийди. Ўзбек халқининг довуруғи дунёга таратган улуг аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.»

Ислом КАРИМОВ

Ҳар йили улуг шоиримиз Алишер Навоий таваллуд кунини зўр тантана, ифтихор билан қутиб оламиз. Бу эса бошқа бир байрам — шавкатли ватандошимиз — шох, шоир ва носир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуди шодиёнасига уланиб кетади.

Ҳар вақти, кўргасан менинг сўзумни, Сўзумни ўқуб англагайсан ўзумни,

— дея ҳўб айтиб кетган экан Бобур ҳазратлари.

«Бобур замондошлари орасида энг маданиятли, дилбар шахс эди». (Жавоҳарлал Неру. «Жаҳон тарихига бир назар»).

«Агарда кимда-ким «юрак қони билан ёзилган асар» деган таърифда киттак бўлса-да, маҳобат йўқлигига ишонч ҳосил қилишни истаса, «Бобурнома»ни ўқисин. Уни ўқиб адоғига етмайсиз. Ҳар гал мутолаа қилганингизда ўзингиз учун янги-янги ноё маълумотларни топасиз. Ва ҳар гал, китобхон сифатида, ўзингизни янгидан кашф этасиз. Ҳа, айнан, фақат Бобур Мирзоининга эмас, ўзингизни ҳам...

(Ғайбуллоҳ ас-Салом. «Жаҳоннаша «Бобурнома»»)

«Бу мутоза инсон тарихимизнинг энг мураккаб, энг жозибдор, энг драматик сиймоларидан биридир. Дунёи фонийга келиб, у нисбатан қисқа умр кўрди — бор-йўғи қирқ етти йил ҳаёт кечирди. Лекин суронли умри мобайнида у жаҳон тарихидан шавкатли ўрин олиб улгурди. У фазилат бобида камлиги йўқ инсон бўлиб камол топди. Бу беназир сиймо олмос истеъдодини синаб кўрмаган инсоний фаолият соҳаси жуда ҳам топилади».

(Хайриддин Султон. «Бобурийнома»)

Бобурнинг шох асари — «Бобурнома» тўрт асрдан ортиқ жаҳон узра марғур кезаётир, муаллифи номини, юрти, эли, миллати довуруғини мамлакатлар, иқлимлар аро таратиб келатир. Бу беназир, қомусий обида тўрт марта инглизча, икки марта олмон, француз, турк, япон тилларида, тўрт бора рус тилида, шунингдек, голланд, италян, ҳинд, ўрду, поляк, уйғур ва бошқа тилларда чоп этилган.

Бобур Мирзо, унинг фаолияти, ижоди, шахсияти ҳақида турли тилларда рисола ва монографиялар, беш юздан ортиқ илмий публицистик мақолалар, адабий асарлар ёзилган, лугатлар, ҳарбий юришлари ҳақида хариталар тузилган, фильмлар яратилган, меросини йиғиш, асарлари матинини аниқлаш бўйича таҳсинга сазовор ишлар қилинган. Тадқиқотчилар яқдил таъкидлашганидек, дунёда ҳеч бир фотиху жа-

ҳонгир ва унинг ноёб обидаси тилларда бу қадар дoston бўлган эмас. Ўзбек адабиётининг мумотоз намуналари асрлар оша хорижий тилларга ўғрилиб, тадқиқотлар, шарҳлар битилиб келинган бўлса-да, бу борада ҳеч бир асар «Бобурнома» олдига тушолмайди.

Бобур ҳаёти, ижоди, асарлари таржимаси, таҳлили, тадқиқи, табдили, шарҳи би-

билмаганимиз ва ҳоқозолар.

Кейинги йилларда тарихий меросимизни қандай бўлса шундайлигича, бут ҳолда нашр қилиш, ҳар томонлама теран таҳлил-тадқиқ этиш, ҳолисона баҳолаш, бугунги авлод улардан баҳраманд бўлишига кенг йўл очилди. Хусусан, истиқлол шарофати ила Бобур Мирзонини қайта кашф этаётимиз.

«Бобурнома» соҳа мутахассислари томонидан кенг ўрганилган. Лекин асар мақоланавислик, яъни публицистика нуқтаи назаридан махсус ва кенг тадқиқ этилмаган. Фан докторлари Очил Тоғаев, Абдурашид Абдуғафуровнинг айрим мақолаларини ҳисобга олганда,

шунос Х.Ақбаровнинг «Бобурнома» шу ҳолида ҳам тайёр сценарий, унинг асосида кўп серияли видеофильм, телефильм яратиш мумкин, деган фикрида жон бор. Асар кўп фасли радиофильм яратишга ҳам бой материал беради.

«Бобурнома»да уч мамлакат — Ўзбекистон, Афғонистон, Ҳиндистон табиати, иқлими, ҳайвонот, наботат олами, турли халқлар, қабилалар, уруғ ва табақа кишилари, турфа одамларнинг турмуш шартлари, урф-одатлари майда-чуйда деталлари, тафсилотларига ҳа-

Бугун Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд толган кун

узок мuddат ўйланиб, пиширилиб қисқа мuddатда битилди, дейилса тўғрироқ бўлади. Ғайбуллоҳ ас-Салом ва унинг шоғирдлари йигирма беш йилдан ортиқ «Бобурнома» таржималари билан шуғулланишди, анча китоб, тадқиқотлар эълон қилинди, бу жараён давом этмоқда. Марҳум устозни узок йиллар билганим, кўп мулоқот, ҳамкорлик қилганим боис, турфа фазилатлари ичиде иккинчисига айникса қойил қолар эдим: домла ҳар бир ишга ҳаҳд-

зарҳал ҳарфлар билан ёзилган «Жаҳоннаша «Бобурнома» китобимизни узатдим. Алишер Азизхўжаев бениҳоя мутаассир бўлди, қани ҳамма олимларимиз ҳам шундай саврақа — асар келтиришга, дея лутф қилди». Китоба «Зодагоний ифтихор»

қилади. Қайта-қайта мутолаа боис асар ёш муаллиф қалби, шуурига шу қадар сингиб, «юкюб» қоладики, кейинчалик «Бобурийнома»нинг айрим ўринлари, айникса, портрет чизилари, табиат манзаралари, баён услуби беихтиёр «Бобурнома»ни эслатади.

«Жаҳоннаша «Бобурнома» ва «Бобурийнома»нинг яна бир муштарак хусусияти — уларнинг илмий, бадиий-публицистик унсурларини хо этган синкретик, омухта асарлар эканлигини, бу кейинги йиллар адабиётимизда нисбатан янги тамойил, ўзига хос усуллардан.

«Жаҳоннаша «Бобурнома» ва «Бобурийнома» асарлари ўзинини тўлдириб, бир қадар тошиб, саҳий заминга, экинтининг кўпроқ фойда келтирадиган дарёчаларга қиёс қилса бўлади. Муаллифлар асосий мақсадидан ортиқроқ нарсага эришганлар, ўқувчиларга кўпроқ маълумот, билим берганлар.

«Жаҳоннаша «Бобурнома» ва «Бобурийнома» муқаддимасида асосан асарнинг тўртта инглизча таржимасига баҳамти ҳолда қўл уриш, бу қомусий обидани Оврўпа муҳитида идрок этиш, англаш ва қабул қилиш тадрижиёти, таржимавий ўзвийлик, давомийлик ва ворисийлик жараёнини кузатиш, мағриблик шарҳшунос ва сибастанларнинг таржимадан кузатган мақсадлари, шарҳ халқларида мунсабатини тайин этиш кўзда тутилган таъкидланса-да, кўтарилган масалалар, қўйилган муаммолар кенг ва қамровли, таҳлил-тадиққлар ба-тафсил ва теран маълумотлар, далиллар янги ва мароқли.

Асар етти бобдан иборат бўлиб, улар «Матн ва таржима», «Матн ва таржима», «Бобур таржимачилигида ўзвийлик, давомийлик ва ворисийлик», «Қайта яратиш тажрибаси», «Рисола ва роман мантқиқи», «Мақтаб ва услуб», «Сабоқ» деб аталади. Боблар ўз навбатида 155 та кичик сарлавҳалардан таркиб толган. Сарлавҳа асарнинг, бобнинг ўзига хос эшик

оғаси. Ғайбуллоҳ ас-Салом антиқа, мароқли сарлавҳа топиб қўйишнинг ҳўп ҳавосини олган иждокор эди. Айрим сарлавҳаларга диққат қилинг: «Ўша-ўша ва ўша эмас», «Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айб», «Таржимано-хоин?!», «Қи-нигр тадбир ниятга во-баста»... ва ҳоказо. Бариси матнга хос, мос, мазмун-моҳият ҳамиртуруши. Муаллифлар таржимашунос, тилшунос сифатидагина эмас, нуқтадон адабиётшунос, мунаққид, муаррих, мақоланавис сифатида ҳам намоён бўлишган.

«Бобурийнома»дан қутилган мақсад халқроқ илмий экспедициянинг Бобур ва унинг аждодлари изларидан бориб бир неча мамлакатларда қўрган ке-чирганлари, сафар-таассуротларини ёзиш, буюк ватандошимизга ҳурмат-эҳтиромни ифода-лаш. Муаллиф бу вазифани қўнғилдагидан ортиқ адо этиш қарорларида қўрган, кевазн юр-лар, манзиллар табиати, ша-ҳар-кишлоқлари, одамлари, урф-одатлари ҳақида қизиқари-ли, янги маълумотлар беради, адабиёт, маънавият муаммолари бўйича диққатга сазовор фикр-мулоҳазалар билдиради.

Ҳар икки асарнинг услуби равои, тили бой. Муаллифлар яхши нарсаларни оширмай, ноҳус ҳолатларни яширмай, керак бўлса ўларини ашмай, рақоб эшишгани учун китоблар янада мароқли, ишонарли, ўқишли чиққан. Ҳаётда, ишонда ҳазил-мутойибага мойил бўлган Ғайбуллоҳ ас-Салом мавзу, муаммо жиддий бўлгани боисми, бу асарда юморга камроқ ўрин берган, таржи-ма, талқин, шарҳ нотўғри, бир ёқлама чиққан жойларда ке-сатик, пичиқ ишлатилади. Ҳай-ридин Султонда эса ёнғил кулги, майин юмор мўл, тас-вири жонлантириш учун ма-салалар, ҳамроҳларидан бири-нин шундай латифасини ке-лтиради: «Бир одам чойхонада эртаке кеч қимирламай ўти-раркан. Ҳаммадан олдин ке-либ, ҳаммадан кейин кетар-кан. Савол бердилар: нечун бундай қиласиз? Жавоб бер-дик, бирга ўлтирган улфат-лар кетган шерикнинг ортин-дан шу захоти гийбат бош-лайдилар. Мен шундан қўрқа-ман. Ҳеч ким гийбат қилмас-лигича учун охири кетаман...»

Бобуршуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилган бу икки асарнинг фазилатлари бисёр. Уларни ўқиш, ўқиш, баҳра олиш ўқим.

Бобур Мирзонини қанча кўп ёд этсак, асарларини мутолаа қилсак, тадқиқотлар битсак, унинг руҳи шунча шод бўла-ди.

Сайди УМИРОВ, ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

«БОБУРНОМА» ВА «БОБУРИЙНОМА»



лан фаол шуғулланган, шуғулланаётган хорижлик олим, мутахассислар сони олтидан ошдикир. «Бобурнома»ни инглиз тилида икки марта, 1905, 1922 йилларда нашр этган, 60 дан ортиқ лугат, 20 га яқин географик манба, ҳужжатларни ўрганиб, чоғиштириб «Ройл Азиатик» журналинда 100 дан зиёд мақола, маълумотлар чоп этган Аннета Сусанна Бевериж хонимини, ватандошимиз ҳаёти ижодини ўрганишга бир неча йилдан бери қатъий бел боғлаб тўрт жилдан иборат асар чоп этган япон олими Эйжи Манонинг хизматларини мамнуният билан алоҳида қайд этиш керак.

Юртимизда бобуршуносликка фарб олимларидан бир ярим асрга кеч киришилди. Бунинг асосий сабаблари аввал чор мустамлакачилиги, кейин шурулар истибдоди, фирқавий бо-сим, тарихий қадриятларга но-писандлик, бойликларни яра-тишга яратиш, уларни саклай

бу борада илмий изланишлар йўқ ҳисоби.

«Бобурнома» илм, бадиият, мақоланавислик, очерк, эссе, мемуар, репортаж, интервью-сўхбат, мактуб хусусиятларини ўзиде ажиб бир тарзда мукассас этган, етук, гўзал синкретик асардир, публицистиканинг бетақорр ва бетимсол намунасидир. Унда бадииятга хос қўйма тасвирлар, тиниқ манзаралар, ёрқин образлар, нафис тисмоллар билан публицисти-кага хос аниқ тушунчалар, ман-тикий муқомалар, фалсафий мушоҳадалар, ҳаққоний таъ-риф-тавсифлар, фикрлар, хо-лиси хулосаларнинг табиий уюшуви, ажиб бир иттифоқини кўради. Шу маънода, «Ҳин-дистон» сингари, «Бобурнома» ни ҳам хорижий мақоланави-сликнинг беназир намунаси, бу асарларнинг муаллифи бўлган Беруний, Бобури эса халқаро публицистиканинг илк, етук намояндалари деб аташга, фخرлинишга ҳақлимиз. Кино-

аниқ ва тўри ифодасини топ-ган. Бобуршунослар яқдил таъ-кидлашганидек, бу асарда ма-вҳумий ёки пуч тахмину фараз-лар учрамайди, муаллиф ҳаққоний айтишга на ўзини, на ўзгаларни, на дўстни на му-лоҳибаларини аяди, барчага хо-лис, шафқатсиз муносабатда бўлади.

Адабиётимиз тарихида «Бо-буринома» сингари портрет, пейзаж тасвирига кенг ўрин бе-рилган бошқа бирон асарни уч-ратмаймиз. Кейинги йилларда бобуршу-нослик икки йирик салмоқли асар билан бойиди. Булар Ғай-буллоҳ ас-Салом ва Незмат Отжоннинг «Жаҳоннаша «Бо-буринома» монографияси, Ҳай-ридин Султоннинг «Бобурийно-ма» маърифий романидир. Бу асарлар ўртасида мазмунан, моҳиятан бирмунча муштарак-лик, ботиний боғлиғи бор. Биринчидан, ҳар икки асар ни-яти даъфъатан пайдо бўлгану дарров ёзила қолган эмас: улар

жадал билан киришар, қиёмига етказилганча кўнгли тинчи-мас, иждоий ҳамкорликда эса асосий юкни зиммасига олар, қомушнинг катта-кичигига қараб ўтирмас эди. Эсимда, тўксон олтинчи йилнинг кузида устоз «бир Намангани айлиниб ке-лай», деб кетдию анча вақт да-раги бўлмади. Шаҳрибону опа-ти, дэмлани суриштиринг, яна юрак ҳуржи тутиб қолмадим деб ҳавоти оляяиман, деди. Сўроқлашимиз, сим қоқшимиз фойда бермади. Йигирма уч кун дегаанда озиб, қорайиб, ле-кин мамун ҳолда кириб кела-ди, эртаси кун ишончасига — Президент ҳузуридеги дав-лат ва жамият қурилиши ака-демиясига йўл олади. Илмий кенгашда сўз олиб шундай де-ганини ҳикоя қилиб берганиди: «Бирор ходим бесабаб уч кун-гача ишга келмаса бўшатили-шигача чора қўрилади. Мен йи-гирма уч кун ишга келмадим. Лекин справкам бор, деб рек-торимизга қалин муқовали,

сарлавҳали илк тақриз ёзган Ҳайридин Султон бўлди: «Маз-мунан илмий тадиқот бўлган бу китобни мен мароқли бади-ий асар сингари завуқ шавқ би-лан ўқиб чиқдим». — дея бош-ланадиган тақризда асарнинг турфа фазилатлари кўрсатиб, таҳлил этиб берилган.

Ҳайридин Султон универси-тет журналистика факультети талабалиги чоғиде «Бобури-нома»га шайдо бўлган, бу китоб-ни қўлидан қўйма эди. Шох шоир, адибнинг Фарқатда бўлгани, Тошкент атрофидаги Оҳангарон, Пискент, Шохруйя деган жойларга қадами текка-ни, бир мuddат Сомсарақда сарсон-саргардон кезгани пар-кентлик толиби илмига айникса таъсир қилади, ифтихор ҳис-сини уйғотади. Талабалик йил-ларида «Йулбарсон» турғили-ши», «Ой ботган паллада» ном-ли ҳикоялар ёзади, буларни ва кейинроқ битилган «Саодат со-ҳили» қиссаси, «Паноҳ» ҳикоя-сини жамоатчилик илик қабул

МАЪНАВИЯТИМИЗ СЎНМАС ЮЛДУЗЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган-дан буюн ҳар йили: февраль бошларида шеърини илхосмандрлари учун ҳаққоний бай-рам шодиёналари бошланади. Бунинг бо-иси бор, албатта. Чунки икки улуг бобо-калонимиз — Алишер Навоий ва Бобур Мирзо таваллуд толган кунлар муносаба-ти билан тантаналар бўлиб ўтади.

Ҳар иккала ватандошимиз ҳам улуг мар-таба эгаси, яъни Навоий вазир, Бобур под-шоҳ бўлган. Улар иккови ҳам Хोजа Ахрор Валлийни ўзларига пир деб қабул қилиш-ган. Уларни мана шу ришталар боғлаб тур-са ажаб эмас. Кунни кеча Мўқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театри биносида Тош-кент молия институти жамоаси билан бир-галикда «Маънавиятимизнинг сўнмас юл-дузлари» мавзуида илмий-адабий анжу-ман бўлиб ўтди. Бу анжуманда институ-т ректори, академик Мурод Шарифхўжаев «Аждодлар мероси мангу яшайди» мав-зуида маъруза қилди.

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республи-каси Давлат мукофоти соҳиби Барот Бой-қобилов «Назм мулкнинг султони» мав-зуидаги сўхбатида Алишер Навоий ҳақидаги «Янги Хамса», Бобур Мирзога бағишланган «Кун ва ту» достонининг яратилиш тарихи ва Навоий ҳамда Бобурнинг ўзбек халқи тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталди.

Захириддин Муҳаммад БОБУР РҲҒОИЙЛАР
Аҳбоб, йилғимоқни фароғат тутунгиз,
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз,
Чун гардиши чарх бодурур, тенгери учун,
Бир-бирни неча куне ганимат тутунгиз.
Хотирга хотурур этти бу сўз англа ахий,
Айтий гахта, сен қўлоқ солиб англа ахий,
Умрунгни бу кунни хуш кечир аҳбоб илаким,
Топилмағусидур ушбу кун тонгла ахий.
Бобур, неча, бу даҳр мени эур айлар,
Сабримни каму галимни бисёр айлар,
То даҳрдур будур анинг расмиким,
Айриб кишини азиздин хор айлар.
Номангки, тирклигим нишонин эрди,
Ҳар сапир хатиқ жовидонин эрди,
Ҳар лағзиде ошкор юз ҳарфи вафо,
Ҳар ҳарфиде юз меҳр ниҳоний эрди.

6 февраль кунин Москва метросининг «Автозаводская» — «Павелецкая» бекатлари оралиғида, поезд вагониде содир этилган террордан сўнг шаҳарда қучайтирилган тар-тиб-қондалар жорий қилиш-га, яъни ҳавфсизлик чорала-рини кўришга алоҳида эъти-бор қаратди. Бу ҳақда Рос-сия оммавий ахборот воси-талари хабар тарқатмоқда. Жумладан, «Коммерсант» га-зетасида ёзишларича, шаҳар маъмурияти пойтахтга фуқ-роларнинг ҳаракатлини ҳуқуқи чекланган ҳудуд мако-мини бериш ва четдан кел-ганлар учун рўйхатдан ўти-шининг янги тартибинин, яъни бармоқ изларини топшириш қондаси жорий этилишига эришиш йўлида сабий-ҳара-катлар бошлади.

Москва маъмуриятининг ми-грация сийсати бўйича комис-сияси раҳбари Сергей Смидо-вичнинг айтишича, мазкур че-ковлар миграция вазиати аҳли ҳавфсизлиги учун таҳдид сола-ётган ҳудудларда ҳам жорий қилинади. Москва эса айнан шундай ҳудудга кирди.

РОССИЯ: ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Қонунга киритилдиган ўзгаришларга кўра, милиция ҳар бир муҳожирининг рўйхат-дан ўтганлиги тўғрисидаги ҳуж-жати текширишга ҳақли. Агар рўйхатдан ўтмаган бўлса, чет эл фуқаролари мамлакатдан чи-қариб юборилади, ўзга шаҳар-ликлар эса жаримага тортила-ди. Манбаларга қараганда, Мос-ква шаҳар думаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодексга ўзгаришлар кирити-ши ташаббуси билан чиқди. Пойтахт депутатлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ишчи кучини норасмий жалб эт-ган иш берувчиларга нисбатан жарималар миқдорини оши-риш, яъни иш берувчиларга ҳар бир нолегал ишчи кучи учун 6

минг рублгача, рўйхатдан ўтма-ган нолегал ишчининг ўзига эса 2 минг рублгача жарима қўллаш тақлифини ўртага ташладилар (амалдаги қонунга кўра, иш бе-рувчига қўлланиладиган жарима миқдори 2 мингти, нолегал ишчининг ўзига қўлланилади-гани эса 500 ёки 1000 рублти

Бундан ташқари, пойтахт думаси Москвага келувчи-лар учун янги рўйхат кар-точкаси жорий этиш имко-ниятларини кўриб чиқмоқда. Мазкур пластик карточка-ларга (85x55 миллиметрли) муҳожирининг ўнг ва чап қўлларининг кўрсатиш бар-моқлари излари тиширилади. Карточкада, шунингдек, муҳожирининг фамилияси, исми, отасининг исми, ту-ғилган йили ва жойи, оила-вий аҳволи, шахсий имзоси ва рангли сурати қайд эти-лади. Ҳозир бундай карточ-калар ва уни «қўйидиган» сканерлар Россия мутахас-сислари томонидан тайёр-лаб қўйилган. Уларнинг фик-рича, янги тартибин тўлиқ жорий этиш учун 1 йил вақт керак. Муҳожирининг дакти-лоскопик қайд этиш тизи-минини амалда қўллаш маса-ласи эса 16 февраль кунини Москва шаҳар думасининг ҳавфсизлик ва қонунчилик масалалари бўйича комис-сия мажлисида кўриб чиқи-лади.

Алимбек ТОШБЕК

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ «ALSКОМ» ҚЎШМА СУФУРТА КОМПАНИЯСИ
Ўз акциядорлигига 2003 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади:
Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2004 йил 17 март соат 15.00 да Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносида ўтказилади.
КУН ТАРТИБИ:
1. Компаниянинг 2003 йилдаги фаолияти натижалари тўғрисида бош директор ҳисоботи.
2. Акциядорлик жамиятининг 2003 йилдаги молия-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудит ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2003 йил якунлари бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш.
4. Кузатув кенгаши раисининг 2003 йилда Кузатув кенгаши бажарган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.
5. Компания Кузатув кенгаши шохим таркибинин қайта сайлаш.
6. Компания ижроия органи раҳбарини ёллаш.
7. 2004 йил учун Бизнес-режани тасдиқлаш ва 2004 йилда фаолиятни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар ва йўналишлар тўғрисида.
8. Компаниянинг 2004 йилги молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун аудиторни тасдиқлаш.
9. Компания акцияларининг IV эмиссиясини эълон қилиш.
10. Компания Уставига ўзгаришлар киритиш.
КУЗАТУВ КЕНГАШИ
2003 йил молиявий натижалари
(минг сўм)
Хизмат реализациясидан ялпи тушум 119 854
Реализация қилинган маҳсулот таннари 32 115
Маъмурий харажатлар 33 997
Асосий фаолиятдан бошқа операциялар 25 868
Даромад (фойда) солиғи тўлангунга 94 103
Даромад (фойда) солиғи, бошқа солиқ ва ажратмалар 27 019
Ҳисобот давридаги соф фойда 67 084

Шеър ва шуур

МУРУВВАТДАН ТИКЛАНГ КОШОНА

МЕХР БЎЛСИН ОЛТИН ОСТОНА

Бечорани деманг бечора, У ҳам сиздек яшар бир бора. Мехр беринг меҳрмалабга, Кўнгли ўсиб, етсин — фалакка.

Йўлингиздан гадо чиқса жим, Хизр бўлиб, тўсингиз йўлин. Асо беринг, қалтироқ кўла,

Юлдуз бўлиб сочилган халқим, Ким бор, сендай, меҳри улуг ким? Меҳр бўлсин, олтин остона,

Улуг кунлар энди бизники, Ўзбекистон жон ўзбекиники. Хур бўлдинг, бир халқ бўлдинг бу кун,



Мухиддин АБЛАЕВА

Опингни сол тикка дарёга, Кўрқма асов, телба сувардан. Бир келибсан ёруғ дунёга,

Дунёга боқ сенга муштоқ у, Изинг қолсин сўқмоқларидан. Бир келибмиз кетамиз мангу,

Сенга нима, Сахрои Кабир, Мағриб, Маширқ ёнсин оҳандан. Бир келибмиз дунёга ахир,

ТЎРТЛИКЛАР

Осмонингни ойи бўлдим муҳаббат, Камонингни ёши бўлдим муҳаббат. Эй болохаш, эй жафокаш, эй офат,

Сени асло бахт ва шодлик ташлаб кетмасин, Ё, там келиб қаро кўзни ёшлаб кетмасин.

Шамсиддин САДОЙИ

УМР

Умринг ўтаётир шошилга дарё, Шоши, мажнунтолининг дийдорларига. Мен эса соҳилда ёзарман ишшо,

Умринг ўтаётир шошилга дўстим, Шоши муҳаббатнинг ифторларига. Мен эса қарайман сокин, беларво,

Умринг ўтаётир шошилга, синглим, Шоши ишқинг ширин издорларига. Мен эса қулабга қайтаман беун,

Умринг ўтаётир гўдак кўтар бон, Алдамма у бешик туморларига. Мен эсам, кўзимда халқа-халқа ёш,

КЕТАР БЎЛДИМ

Кетар бўлдим, ҳижрон ёшим, Дунёларга сотиб кетдим. Душман захар солган ошим,

Дўстим ҳам ўз йўлингиздан, Ғаним сен ҳам йўлингиздан. Хар қайсингиз ўз амалингдан,

Йўларимга чоқ қазанга, Кўз юмиб йўл бериб кетдим. Қадамим ўлаб юрганга,

Юзимга эшик ёганни, Эшини сизлаб кетдим. Тузим еб, номим сотганин,

Севингиз очкич шаробин Ярим йўлда тўкиб кетдим. Эй Саодий бу бевафо

СОТАРКАН БИР КУН

Изиндан тумморлар айлаб юрганлар, Кўзингни ёғини ялаб юрганлар. Бағрингда иш қуриб сайраб юрганлар,

Давлатинг борида парвоналаринг, Изларинг зор бўлиб пойлаганларинг. Хатто ёнингда бел боғлаганларинг,

Дунё телба дунё, дайри нолон дунё, Шодликнинг ёнида тамга осмон дунё.

Кўтрик курсанг ўтган тош отиб кетар, Қирқ йил тузингни еб сиринг очиб кетар.

Худонинг хужмага топшир ёмонни, Яхшига тегмасин тўхмат нишонни,

Интер-спорт

ДОПИНГГА ҚАРШИ СУД БОШЛАНДИ

Маслаҳатчилар федерал жюри си илмий лаборатория раҳбарлари ва тренерлардан иборат 4 кишини АҚШнинг етакчи спортчиларига аталган зўриқтирувчи дори — допинг тайёрлаш ва тарқатиш бўйича айбламодда.

Гап шундаки, бу лабораторияда спортчиларга берилувчи допинг таъсири билдирмайдиган махсус ТХГ (тетрагидрогестеринон) стероил воситаси ишлаб чиқарилаётгани аён бўлган.

ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАСИ МЕКСИКАЛИКЛАРДА

Футбол бўйича КОНКАКАФ минтақаси бўйича Афина олимпиадасида қатнашадиган терма жамоа номи маълум бўлди. Ну-фузли мусобақага йўлланма берувчи учрашувда Мексика ва Коста-Рика олимпиа терма жамоалари ўзаро бахс юритдилар.

Мексикаликлар ярим финалда АҚШ футболчиларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратишганди — 4:0. Эсингизда бўлса, америкаликлар 1980 йилда илк маротаба олимпиа йўлланмасини қўлга киритишган.

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

МЕВАЛИ ДАРАХТГА ТОШ ТЕГАР

«Мевали дарахта кўп тош отилади»; «Мева-сиз дарахта тош отилмас». Жамиятда шундай одамлар оз эмаски, улар саҳий, қўли очик, меҳмондўст, ҳаммага қўлдан келганча ёрдам берадиган бўладилар.

МАҒИЗ АЧЧИК БЎЛСА, ПЎСТИГА ҲАМ УРАДИ

«Киши тор юрак, тажанг, сержахл, тили аччиқ бўлса, буни унинг афт-ангоридан ҳам билб олса бўлади», дейилмоқчи.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ


Футбол

Ўзбекистон Футбол федерациясида мамлакат XIII миллий чемпионатида қуръа ташланди. Олдинги чемпионатлардан фарқи жиҳати, бу йилги олий лига жамоалари сони иккитага қискарди.

— Янги мавсумда олий лига бахсларида ўн тўрт жамоа тўп сурадиган бўлди, — дейди УФФнинг мусобақалар ўтказиш бўлими бошлиғи Алишер Никимбоев.

миллий терма жамоалари дунёнинг «гигант» жамоалари билан тенга-тенг бахс юритишмоқда. Федерация «Дўстлик» ва «Қўқон-1912» жамоаларига бир неча мартаба имкониятлар берди.

«Насаф» (Қарши) — «Машъал» (Муборак), «Навбахор» (Наманган) — «Металлург» (Бекобод), «Қизилқум» (Зарафшон) — «Сурхон» (Термиз), «Самарқанд-Д» (Самарқанд) — «Локомотив» (Тошкент), «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Андижон» (Андижон), «Бухоро» (Бухоро) — «Нефтич» (Фаргона), «Трактор» (Тошкент) — «Пахтакор» (Тошкент).



МУҲТАРАМ ЮРДОШЛАР ВА ЎЗБЕКISTON МЕҲМОНЛАРИ!

Шу йилнинг 23 январидан бошлаб

ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезде қатнови йўлга қўйилди.

Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади.

Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.

Йўловчи поезде катта тезлик билан ҳаракатланиб (автомобиль транспортдан тез) сизларни Самарқандга етказиб, Тошкентга қайтиб олиб келади.

Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.

Поезд ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди.

Table with 4 columns: Pоезд №, Маълумот, Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш вақти, Белгиланган манзилга етиб бориш вақти

Маълумотлар хизмати: 005, 199-72-15. Вокзал бўйича навбатчи: 199-72-16. Маълум: 199-76-27.

САФАРИНГИЗ МАРОҚЛИ ЎТСИН!

«ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

САВОЛ: Фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари қандай йўллар билан ҳимоя қилинади?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 111-моддасига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади: — ҳуқуқи тан олиш; — ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини тугдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

САВОЛ: Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини қандай тартибда амалга оширадилар?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 9-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тadbиркорлар эса — иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқа шахсларда ҳуқуқни суистеъмол қилишга, шунингдек, ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, суд шахсга қаршли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкин.

Kimoshdi Savdolari Agentligi va «Respublika Ko'chmas mullk birjasi Toshkent shahar bo'limi»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигига қарашли Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хизматчи кўчаси, 96-уйда жойлашган, «Капитал курилиш бўлими» кимосҳди савдолари биржа савдоларига ўтказилди.

Бошланғич нархи — 689 110 сўм ёки 707,5 АҚШ доллари. Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари ўтказилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

АО «Тезкор-Соз» ставити на торги публичной оферты на-вес ОГМ и БРУ (бетон распределительный узел). Телефон: 185-88-59.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2001 йил 6 июлда Иззет Эргашга берилган ДИ №000657 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОАО «Темирйўлтаймин» сообщает, что на основании решения Хозяйственного городского суда за № 10-0317/2052 от 03.08.03г. — кадастр на владение имущества — реестр № 6-11/2000 от 27.01.2000г. и договор о формировании «Уставного фонда» СП «Тритек» от 02.09.1999 года считать аннулированным и не действительным. Телефон: 58-72-00. Руководство ОАО «Темирйўлтаймин»

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla OROPOV, Asliddin RUSTAMOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Andrey O'RIOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistan»), Nomoz SA'DULLAYEV, Rahima HAKIMOVA, To'lepbeggen QAIPIBERGENOV, Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul ko'lib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55, Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, Parlament va huquq 136-57-20, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43, Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks), 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks), Reklama va e'lonlar 133-72-83, 133-06-83 (Tel. Faks), Kotibiyat 133-72-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70, Buxoroda — 222-10-92, Gulistonda — 25-03-80, Jizzaxda — 5-49-85, Navoiyda — 3-39-20, Namanganda — 6-43-43, Nukusda — 222-70-12, Samarqandda — 35-20-54, Urganchda — 226-51-35, Farg'onada — 26-43-62, Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, Navbatchi: Anvar SAMADOV, Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan nashrga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 365, 13069 nusxada bosildi, T — Tijorat materiali, Topshirish vaqti — 21.00, Topshirildi — 22.00, 1 2 3 4 5 6, SOTUVDA ERKIN NARXDA